Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 96 (5387).
27 АПРЕЛЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг якунларини муҳокама қилди. Пленум қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган кўрсатмалар ва тавсиялар муносабати билан халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисидаги масалани республика Олий Совети ва маҳаллий Советларининг навбатдаги сессиялари муҳокамасига киритишга қарор қилинди. Енгил саноат министрлигининг халқ истеъмол моллари сифатини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги доклади тингланди. Тармоқ жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги қайд этилди. Шу билан бирга саноат доимий комиссияси тақдим этган текшириш материаллари муҳокамасининг кўрсатишича, Енгил саноат министрлиги, унинг раҳбарлари ва коллегияси халққа керакли моллар сифатини ошириш учун аниқ мақсадни кўзлаб, сабот билан тузукроқ кураш олиб бормаяптилар. Натижада кўпгина корхоналар яхши хом ашёдан сифатсиз моллар, айниқса касод бўлиб ётган пойабзал ва кийим-кечак ишлаб чиқармоқдалар. Бу эса харидорларнинг ҳақли норозилиги ва шикоятларига сабаб бўлмоқда. Миллион-миллион сўмлик мана шундай моллар омборларда ва магазинларнинг пештахталарида ётиб қолмоқда. Аммо министрлик раҳбарлари ўз ишларига танқидий қарамаяптилар. Принципсизлик қилаяптилар, брак чиқарилиши учун айбдор бўлган кишилардан қаттиқ талаб қилмаяптилар, бу эса иқтисодий зарар етказмоқда.

Енгил саноат министрлигига давлат, меҳнат ва технология интизомини юқори даражага кўтариш, аъло сифатли цех ва потокларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш, аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқроқ ўрганиш таклиф қилинди. Министрликка ва маъмурий органларга яроқсиз моллар ишлаб чиқаришда айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг масъулияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топширилди.

Мажлисда Сирдарё область ижроия комитетининг қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини ошириш соҳасида маҳаллий Советларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Кўриқ областининг экономикаси комплекс тарзда, юксак суръатлар билан ривожланиб бораётганини президиум уқтириб ўтди. Аҳолининг турмуш маданиятн ошмоқда.

Айни вақтда маҳаллий Советлар, бир қанча министрликлар ва идоралар ўз ишида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўяётганликларига эътибор жалб этилди. Областда социал-маданий объектлар қурилишидаги қолоқлик суст тугатилмоқда. Бу эса аҳолига коммунал, савдо, медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ишига ҳалақит бермоқда. Президиум қишлоқнинг социал қиёфасини ўзгартириш вазифаларини ҳал этишда депутатларнинг, доимий комиссияларнинг, депутатлик группаларн ва постларининг активлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисда сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатларига берган наказларини бажариш, Юстиция министрлигининг суд ижрочилари билан ишлашни такомиллаштириш тадбирлари ҳам кўриб чиқилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

25 апрелда КПСС Марказий Комитетининг янги таҳририятдаги КПСС Программасини тайёрловчи комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда комиссия раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқ қилади. Партиянинг жуда муҳим ғоявий-назарий ва сиёсий ҳужжати ҳақида гап бормоқда, деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко XXIV съезд қарорларига мувофиқ жўяйин иш қилинганини уқтириб, янги таҳриридаги Программанинг характери, мазмуни билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалаларга тўхталиб ўтди.

Энг муҳими — биз эришган янги жамият социал-иқтисодий етуклиги даражасини аниқ-равшан тушунишга асосланмоқ керак. Партиянинг сўнгги йиллардаги ҳужжатларида биз тарихан узоқ давом этадиган давр — ривожланган социализм босқичи илк палласида турганлигимиз тўғрисида принципиал жиҳатдан муҳим хулоса чиқарилди. Партия ва совет халқининг кундалик ҳамда истиқбол вазифалари ҳам шу билан белгиланади. Ҳозирги шароитда бизнинг ишлар жараёнида жамиятимиз, халқимиз коммунизмга олиб борадиган йўлда тобора янги-янги марраларни эгаллайверади.

Сўнгра миқдор кўрсаткичлари ва муддатлари тўғрисидаги масала тилга олинди. Партиянинг Программаси каби ҳужжатда рақамларни, турли-туман тафсилотларни суинстеъмол қилиш ярамайди. Уни икир-чикирлар билан тўлдириб юбориш матлуб эмас. Ривожланишнинг асосий йўли аниқ-равшан кўриниб туриши учун асосий масалани икир-чикирларга ғарқ қилиб юбормаслик муҳимдир.

Янги таҳриридаги Программанинг асосий мазмунини узлуксиз ривожланиб бораётган жамиятимизнинг миқдор кўрсаткичлари эмас, балки энг муҳим сифат кўрсаткичлари ташкил қилиши керак. Ўз-ўзидан равшанки, миқдор кўрсаткичлари ҳам биз учун иқтисодий ва социал ривожланиш белгилари бўлиб хизмат қилиши мумкин ва хизмат қилмоқда ҳам. Бундай кўрсаткичлар беш йиллик планларимизда, узоқ муддатли тармоқ программаларимизда белгилаб берилмоқда. Мана шундай программалардан бири — СССРнинг 1986 — 2005 йилларга мўлжалланган фан-техника тараққиёти комплекс программасини ишлаб чиқишга кўпданоқ киришилган. Бинобарин, шу программадан партия Программасини илмий асослаш учун унга киритиладиган қоидаларни илм-фаннинг энг янги хулосалари билан, аниқ-равшан илмий-техникавий, иқтисодий ва социал ҳисоб-китоблар билан таққослаш лозим бўлур эди.

Партия Программаси қисқа, равшан ва аниқ бўлиши, ҳар бир коммунист ва ҳатто ҳар бир совет киши осонгина ўзлаштирадиган, тушунадиган, ўз ҳаётининг ғоявий компаси қилиб оладиган бўлиши керак. Партиянинг ёш авлоди учун бу нарса айниқса муҳимдир.

Равшанки, Программа ҳозирги марксча-ленинча тафаккур хулосаларини, КПСС ва қардош партияларнинг энг янги тажрибасини, жаҳон жараёнларининг реал-ликларини акс эттирувчи бир қанча янги конкрет қоидалар билан бойитилади.

Мен «янги таҳрир» иборасидаги «янги» сўзига урғу берган бўлур эдим, деди К. У. Черненко. Бу ўринда гап бошқа Программани тузиш ҳақида бормаётганлиги бизни ажаблантирмаслиги керак. Дарҳақиқат бизга янги Программанинг кераги йўқ, чунки ҳозир амалда бўлган Программада бевосита коммунизм қурилиши билан боғлиқ бўлган стратегик вазифалар ҳозирча бажарилмаган Шу боисдан ҳам биз партия учинчи Программасининг янги таҳрири ҳақидагина гапираяпмиз.

Тайёрланаётган ҳужжат биз ўзгартирган ҳаётнигина эмас, шу билан бирга бизнинг ўзгарган сиёсий тилимизни — қатъий иборалар билан ифодаланувчи амалий тилимизни акс эттириши керак. Хуллас, бу ҳужжат ҳар жиҳатдан замонавий Программа бўлиши лозим.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида совет жамиятини ривожлантиришнинг актуал проблемаларини, КПССнинг стратегик мақсадларини ёритиш зарур.

Халқ фаровонлигини муттасил ошириш КПСС Программасининг доимий талаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Юксак даражадаги экономикани, совет кишиларининг моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжлари тобора тўла-тўкис қондирилиши, давлатимиз қудратининг ўстирилиши асосларини вужудга келтиришдан иборат биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа мана шундан келиб чиқади. Программада партиянинг фан ва техника энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга бутун чоралар билан жорий этиш, бошқарув формаларини такомиллаштириш, омманинг ташаббуси ва меҳнат ғайратини ривожлантириш йўли аниқ-равшан ифодалаб берилиши керак, зеро бизнинг ҳамма ютуқларимиз мана шунга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Иккн революция — фан-техника революцияси билан социал революцияни бирга қўшиш ғояси КПСС Программасида муносиб равишда акс эттирилиши керак.

К. У. Черненко уқтириб ўтганидек, янги таҳрирдаги Программада янги ижтимоий-иқтисодий формациянинг ривожидаги энг муҳим босқичлардан бири — синфсиз социалистик жамиятнинг таърифи берилиши лозим. Бунда ҳозирги замон ишчилар синфи жамиятнинг синфсиз структурасини қарор топтиришнинг етакчи кучи бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги таъкидланиши керак.

Синфсиз социалистик жамиятни шакллантириш тўла социал-бирлик йўлидаги муҳим босқич бўлиб, барча устқурма структураларида муҳим ўзгаришлар бўлишига олиб бориши шубҳасиз. Шу муносабат билан Программада партия бизнинг социалистик демократиямиз ва давлатчилигимизни, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш ҳамма формаларини бундан буён ривожлантиришни қандай тасаввур этиши кўрсатиб берилиши лозим.

Программада етук социализм шароитидаги миллий масаланинг характерини ҳам очиб бериш, миллатларнинг келажаги, ижтимоий турмушнинг интернационаллашуви объектив жараёнидан, уларнинг аста-секин, аммо муттасил ўзаро яқинлашувидан ўсиб чиқишини ёритиш зарур.

Янги таҳрирдаги Программанинг энг муҳим вазифаларидан бири янги инсонни, уйғун равишда камол топган шахсни вояга етказишдан иборат. Бошқа масалаларни ёритиш каби бу ўринда ҳам идеаллаштиришга, олдинга ўтиб кетишга йўл қўймаслик кераклиги ўз-ўзидан равшан. Партия мавзуи бутун ҳужжат учун ўзак, марказий мавзудир. Бутун КПСС Программаси — партиянинг стратегияси ва тактикасини, унинг фаолият принципларини, совет жамияти сиёсий системасидаги ўрни ва ролини очиб берадиган Программадир. Партия раҳбарлик ролининг ошиб бориши ва социалистик демократиянинг чуқурлашиши — ягона, яхлит, қонуниятли жараён эканини кўрсатиш муҳимдир.

Программа текстининг асосий қисми мамлакатнинг ички ривожланиши масалаларига бағишланиши кераклиги равшан, деди сўнгра К. У. Черненко, чунки бизнинг ички сиёсатдаги, тинчлик учун курашдаги муваффақиятларимиз ҳам, пировард натижа, шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Оқибат натижада социализм бу мусобақада ютиб чиқишига асло шубҳа қилмаймиз. Шу билан бирга ҳозирги капитализмнинг тарихий жиҳатдан ҳалокатга маҳкум эканини таъкидлаган пайтда у ўзининг умумий кризиси шароитида ҳам ҳали ривожланишнинг асло тугалланмаган бир талай резервларига эга эканини эътиборга олиш зарур.

Партиямиз иш кўриши лозим бўлган ташқи шароитлар жуда мураккаб бўлиб, тез ўзгариб турибди. Шу сабабли дунёдаги вазиятнинг ривожланишидаги тенденциялар ҳақида гапирганда, янги таҳрирдаги Программада таърифланган баҳолар ва позициялар жуда пухта запасга эга бўлиши ҳақида айниқса ғамхўрлик қилиш лозим.

Программа бизнинг тинчлик ишига астойдил содиқлигимизни, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бошқа қардош партиялари билан биргаликда ядро ҳалокатининг олдини олишга интилаётганимизни ифодалайди. Бу — масаланинг бир жиҳати, унинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, барча жаҳоншумул проблемалар каби уруш ва тинчлик проблемалари ҳам ўз ўзидан мавжуд эмас, деган фикрни равшан ифодалаб бериш керак. Бу проблемаларни жаҳон социал зиддиятларидан, синфий курашнинг ривожланишидан ажратиб бўлмайди. Демак, дунёнинг социал қиёфасини ўзгартирувчи жараёнларнинг умумий манзарасини тасвирлаш керак. Бу манзарани бўлажак жаҳон тараққиётининг икир-чикирларини олдиндан назарда тутишга уринмай, йирик ифодали белгилар билан кўрсатиш лозим.

Ҳозирги революцион жараённинг кенгайиб бораётганлигини бизнинг ишчилар, миллий озодлик ҳаракатлари ва бошқа илғор ҳаракатлар билан муттасил бирдамлигимиз позициясида туриб ёритиш, бизнинг пролетар интернационализм тушунчамизни очиб бериш керак.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бошқа марксчи-ленинчи партиялари каби бизнинг партиямиз ҳам ўзини халқаро коммунистик ҳаракатнинг ажралмас қисми деб ҳисоблаётганлиги тўғрисидаги тезис ривожлантирилиши лозимлиги шубҳасиз. Ҳар бир қардош партия сингари КПСС ҳам бу ҳаракатда актив роль ўйнашга, уни ўстиришга, унинг муваффақиятларига ҳар томонлама кўмаклашишга интилмоқда. Бу ҳаракат марксизм-ленинизм фанига янада мустаҳкам таяниши, ғолибона социалистик революцияларнинг, реал социализмнинг тажрибасини чуқурроқ ўзлаштириб олишидан, бизнинг манфаатдорлигимиз мана шундан келиб чиқади. КПССнинг ҳар бир сўзи, айниқса унинг Программасидаги сўз дунё коммунистлари учун айниқса эътиборли янграйди. Шу боисдан ҳам бу сўзларни айниқса синчиклаб танлаб олиш керак.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси кенг халқаро аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Бу программа ҳақида дўстларимизгина гапириб қолмайдилар. Демак, партиянинг энг муҳим ҳужжати лойиҳаси устида ишланганда унинг дунёдаги мафкуравий курашда катта роль ўйнашш лозимлигини назарда тутиш зарур.

Янги таҳрирдаги Программани тайёрлаш, деб уқтирди К. У. Черненко, қилинган ҳамма ишларга якун ясаш, деса бўлади. Партиянинг коллектив фикрини, коллектив тажрибасини сафарбар қилиш талаб этилади. Шу сабабли ҳужжатнинг лойиҳаси тайёр бўлганида уни Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумларидан бири муҳокамасига қўйиш, сўнгра унинг партияда кенг муҳокама этилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни съездолди ҳисобот-сайлов кампанияси давомида қилиш мумкин. Бундай қилиш мазкур кампаниянинг мазмунини анчагина бойитади.

Комиссиянинг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари В. А. Медведев, Б. И. Стукалин, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, «Коммунист» журналининг бош редактори Р. И. Косолапов, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев сўзга чиқдилар.

Комиссия КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси устида қилинадиган бундан буёнги ишлар тартибини белгилади.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

4. ЮКСАК УНУМ БИЛАН

Репортаж



«Навоий» станцияси «Ташметрострой» трести қурувчилари учун энг мураккаб станциялардан биридир. Умумий фикрларга қараганда, бу станция энг гўзал бекатлардан бири бўлади. Унинг шифти 48 та гумбаздан иборат. Гумбазларнинг ичи ганч билан ишланади, тилла ранг бўёқ билан безатилади. Гумбазларнинг кўпчилиги монтаж қилиб бўлинган. Бу ишларни 2-тоннель отрядининг Леонид Григорьевич Токарчук бошлиқ бригада амалга оширган. Комплекслашган бу бригада участка пудрати методи асосида ишлаб, «Навоий» станциясидаги қарийб ҳамма ишларни бажаряпти. Тоннель отряди ҳақида бир оғиз сўз айтишга тўғри келади. У 25 йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, ўн йил муқаддам шу жойдан «Ташметрострой» трести тарихи бошланган.

— Фақат Тошкентнинг ўзида биз учинчи марта метрони ишга туширишга тайёргарлик кўряпмиз, — деди бригадир ўринбосари Вячеслав Федорович Сидоров, — биринчи марта 1977 йили иккинчи марта эса 1980 йили метро участкаларини ишга туширган эдик. Мана Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида метронинг иқкинчи линияси биринчи навбатини ишга туширамиз. Бу линия темир йўл вокзалини «Навоий» станцияси билан боғлайди.

Шу кунларда бригада платформада монтаж ишларини, иккинчи вестибюлда эса пардозлаш ишларини юксак суръатда олиб бормоқда. Ҳар бир метросоз юксак унум билан ишламоқда. Қўшилган тягали подстанцияда мосламаларни монтаж қилиш ишлари амалга оширилди ва бу иншоот қурилиши ниҳоясига етказилди. Биринчи вестибюлда эса Геннадий Николаевич Емченко бригадаси пардозлаш ишларини охирлаяпти.

— Иш сифати материалнинг сифатига ҳам боғлиқ, — дейди «Ташметрострой» трести партком секретари Давид Займанович Левин. — Бизга келаётган материалларнинг сифати яхши бўлиши учун ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинати билан социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузганмиз. Шунингдек, 2-темир-бетон буюмлари заводи билан ҳам шартнома тузилди. Асосий материалларни ана шу корхонадан олмоқдамиз. Бундай шартномаларни аввалги йиллари ҳам тузган эдик. Бу албатта ўз самарасини берди ва бермоқда...

Пайвандлаш аппаратларининг учқуни атрофга сачрайди. Бригада аниқ ва юксак маромда ишламоқда. Ҳар бир соат ҳисобда. Янги участкани ишга туширишга эса озгина вақт қолди.

С. ЕЖКОВ.

* * *

СУРАТДА: «Навоий» станциясининг ҳозирги кўриниши.

М. Ямшчиков фотоси.

● ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари 27 апрелда маҳсулот реализацияси ва кўпгина муҳим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича январь-апрель ойлари планини бажардилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда пассажирлар автотранспорти бош бошқармасида юқори партия ва совет органлари, ўз қарорларининг бажарилиши устидан назоратнинг аҳволи, халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитетининг «Граждан-ларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 4 мартдаги Фармонини бажаришга доир фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда шунингдек, халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг район халқ дружиначиларин и н г жамоат тартибини муҳофаза этиш бўйича фаолиятига раҳбарлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

Бугун Тошкентда:

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқарнш бирлашмасида трактор ланжеронларига ишлов бериладиган янги механизациялашган поток линия ишлаб чиқаришга жорий этилди. Янги линиянинг ишга туширилиши уч кишини бошқа ишга ўтказиш имконини берди, меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди.

●

Ўзбекистон ССР Театр жамиятининг актёрлар уйида бўлиб ўтган оталиқдаги 17-мактаб коллективи билан республика санъаткорларининг учрашуви ўқувчиларни интернационализм руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланди.

●

Республика Киночилар уйида «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган режиссёр Г. Бзаровнинг «Тубсизлик» дан репортаж фильмининг премьераси бўлади.

●

Миллий чолғу асбоблари фабрикасида бўладиган Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғанижон Тошматовнинг, чармгалантерея ва спорт буюмлари бирлашмасида бўладиган Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, бастакор Манас Левневнинг ижодий кечалари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланади.

●

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Қишлоқ хўжалиги» павильонида «Қишлоқ хўжалиги машиналарида шовқин ва вибрацияга қарши кураш» бўйича илғор тажриба мактаби очилди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11.00 да Тошкентда 15 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво булутланиб туради, ёғин-гарчилик бўлмайди. Кечаси 14—19, кундузи 21—26 даража иссиқ бўлади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ПЛАН-БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси 25 апрелдаги мажлисида Главташкентстрой бўлималарида меҳнат унумдорлигининг бинокорлар иш кучини ва ишдам ошиши ҳисобига қанчалик таъминланаётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Комиссия аъзолари Главташкентстрой бу соҳада қилаётган муайян ишларни ўқтириб, айни вақтда унинг ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш тошпириқларининг бажарилиши таъминланаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Бир қанча бўлималарда иш ҳажмининг меҳнат унумдорлиги ошишига нисбатан тез суръатлар билан ўсишига йўл қўйилмоқда.

Депутатлар бажарилган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиш, белгиланган нормадан ташқари ёрдамчи ишларга ҳақ тўланаётганлиги ва иш ҳақи фондларини ортиқча сарфлашга олиб келадиган бошқа қоида бузиш фактлари мавжуд эканлиги ҳақида гапирдилар. Қурилиш ишларининг сифати ҳали ҳам паст.

Главташкентстройда бригада пудратининг кенг иммониятлари ва афзалликларидан тўла даражада фойдаланиламаётганлиги, иш-чилар иш ҳақининг меҳнат пировард натижаларига бевосита боғланмаганлиги мажлисда таъкидланди.

План-бюджет комиссияси Главташкентстройга меҳнат унумдорлигини ошириш, уни пландан ташқари камида бир процент кўпайтириш ва таннархини қўшимча равишда камида ярим процент камайтириш топшириқларининг сўзсиз бажарилиши юзасидан конкрет чораларни амалга оширишни ҳамда бу тадбирларнинг турмушга татбиқ этилиши юзасидан қаттиқ контрол ўрнатишни тавсия этди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига, Ўзбекистон пойтахтидаги район ижроия комитетларига тегишли тавсиялар берилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ўзбек ёзувчи ўртоқ Кибриё Лутфуллаевна Қаҳҳорованн Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ёзувчи ўртоқ Олег Васильевич Сидельниковга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

● ОЛИМЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЁШЛАР ИЗЛАНИШИ

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, унинг ютуқларидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг фойдаланиш бўйича ўсиб бораётган талаблар жасорат, ижодкорлик, изланиш ва ташаббускорлик кўрсатишни тақозо этади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва полимерлар физикаси институти олимлари ана шу талабларни чуқур ҳис этган ҳолда ўз изланишларини муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишга қаратмоқдалар. Ёш олимлар ҳам бу катта ишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Институтда бўлиб ўтган ёш олимлар конференциясига тавсия этилган доклад-лар ҳам бундан гувоҳлик беради.

— «Фан — ишлаб чиқаришга» шиори остидаги конференциямиз бешинчи маротаба ўтказилаяпти, — дейди институт ёш олимлар совети раиси, химия фанлари кандидати В. А. Ли.—Унинг мақсади илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, ижодий активликни ўстиришдан иборат. Ёш олимларнинг тадқиқотларига қўйилаётган асосий талаблар ҳар бир ишда илмий жиҳатдан янгилик ва унинг амалий аҳамияти бўлишлигидир. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган бу галги конференцияга тақдим этилган 16 доклад полимерлардан халқ хўжалигида фойдаланишнинг актуал проблемаларига бағишланган.

Янги физиологик актив полимерларни синтез қилиш устида иш олиб борётган институтимиз ғаройиб ва тиббий-биологик тадқибини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш асосида халқ хўжалигининг турли соҳаларида полимерлардан фойдаланиш бўйича муҳим вазифаларни амалга оширяпти. Ҳозирга қадар 60 дан ортиқ полимер бирикмалар синтез қилинди, уларнинг кўпчилиги медицинада, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида катта муваффақият билан қўлланиляпти.

Ана шу муҳим проблемалар бўйича кичик илмий ходимлар Г. Зиновьев, Р. Мусин, Р. Тўлаганов, И. Ҳайруллин, тадқиқотчи-стажёр О. Абдуллаев ва бошқа олимлар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида иш олиб боришяпти. Кичик илмий ходимлар А. Набиев, А. Эргашевлар эса химия фанлари кандидати М. Абдувалиев раҳбарлигида ёғ-мой ишлаб чиқариши чиқиндиларидан композицион материаллар яратишда қўшимча сифатида қўлланадиган моддалар олишнинг рационал методларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тадқиқот олиб боришяпти.

Конференцияда қилинган докладлар, тажриба алмашишлар халқ хўжалигининг муҳим вазифаларини ҳал этишда изланишларни янада активлаштириш, ёш олимларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришда шубҳасиз муҳим роль ўйнайди.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

• *Ишчининг қалб сўзлари*

КОЛЛЕКТИВ ҚУДРАТИ

КПСС Марказий Комитетининг июнь ва декабрь (1983 йил) Пленумларида меҳнат коллективининг кишиларни тарбиялаш, ишлаб чиқариш план-топшириқларини муваффақият билан бажаришда катта роль ўйнаши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Коллективнинг кучига, унинг тарбиявий аҳамиятига ишониш керак. Мен коллективнинг кишиларни мўъжизалар яратишга ундовчи даъваткор қудратига ҳам ишонаман. Нега деганда, ўзим 30 йилдан бери ишчилар коллективида меҳнат қилиб келаман, шу ерда меҳнат нималигини англаб етдим. Шу ерда партия сафига қабул қилиндим.

Мени «Ҳалол меҳнат» деган ибора кўпдан бери ўйлантиб келяпти. Бу иборани гоҳи радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлардан эшитиб қоламан, гоҳида газета-журналларнинг саҳифаларида ўқиб қоламан. Мухбирлар ҳам интервью олган пайтда кўпинча шундай савол билан мурожаат қилишади: «Кимлар ҳалол меҳнат қиляпти?» Озми-кўпми ўз ишчилик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда жавоб беришга ҳаракат қиламан: ҳалол меҳнат бу — энг аввало сенинг кўксингдаги виждонинг, сенга ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажаришинг, ўз касбингга нисбатан меҳр-муҳаббат ва фидойилик. Сен ўз вазифангни бекаму-кўст, ҳалол уддалаётганинг билан жамиятнинг тараққиётига ўз ҳиссангни қўшган бўласан. Эрта-индин сенинг ўрнингни босадиган ёшларга ўзинг сезмаган ҳолда ибрат кўрсатасан. Бу демак — кунларинг, тўккан терларинг зое кетмаётганидан далолат бериб турибди. Мен ҳалол меҳнатни шундай тушунаман.

Кўплаб ишчиларнинг виждонан ишлаётганлиги кишини қувонтиради. Коммунистик партия бугунги кунда одамлар меҳнатига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор бермоқда, одамлар меҳнатини қадрламоқда. Одамларга ғамхўрлик қилмоқда. Декабрь Пленуми материаллари бизни янада унумлироқ меҳнат қилишга, ўз ишимизга, вазифамизга сидқидилдан, коммунистик муносабатда бўлишга ундайди.

Шу ўринда меҳнат коллективига янги кириб келганлар ҳақида гапиришни истар эдим. Бу ерда мен асосан ёш ишчиларни назарда тутяпман. Бир қарашда улар ҳамиша ишни дўндираётгандай, гўё ҳаммасини ўз вақтида бажаришаётгандай туюлади. Мен ёшларнинг жўшқин куч-ғайратини инкор қилмайман. Ҳолбуки, пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленин айтгандай, «Коммунизмни ёшлар қуради». Аммо шундай ҳоллар ҳам бўладики, сал кескинроқ вазиятларда, масалан, жавобгарлиги бор бир-бир иш чиқиб қолганда ёки кишининг қўлидан нечоғли одамгарчилик кела олишини кўрсатиб берувчи лаҳзаларда баъзи ёшлар четга чиқиб қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ана шу масъулиятли ишга уларнинг нақадар лоқайд муносабатда бўлишлари ошкор бўлиб қолмоқда. Касбга, бажараётган вазифасига бўлган муносабат ҳеч шубҳасизки, кишининг ўзи яшаётган жамиятга муносабатини белгилаб беради. Буни ёшларимиз ҳеч қачон унутмасликлари керак. Бу айни пайтда уларнинг ҳулқини ҳам тарбиялайди, ахлоқий нормаларини белгилаб беради. Шундагина улар йиллар ўтган сари коллективнинг жону-танига айланиб борадилар.

Мен корхонамизда кўп йиллардан бери касбини ҳам, ишчи номини ҳам шарафлаб келаётган А. Ашурхўжаев, А. Аъзамхўжаев, А. Грудинин, В. Кутилин, Э. Қиличев сингари фидойиларнинг номини алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Улар ўзларининг юксак онглиликлари, жамият ишига виждонан муносабатда бўлаётганликлари кишини қувонтиради. Бундай ишчилар корхонамизда ҳам, шаҳримиздаги бошқа завод ва фабрикаларда ҳам жуда кўп. Уларнинг сафи янада кенгайишига мен қаттиқ ишонаман.

Т. ИГУМНОВ,

«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлик заводининг ишчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.



Комсомол аъзоси Сайёра Ўлмасова бир неча йиллардан бери Шароф Рашидов номли Тошкент тўқимачилик комбинатида самарали меҳнат қилиб келади. Бу пешқадам ишчи смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ—АМАЛДА

Ўқувчиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш мактабни ислоҳ қилишнинг асосий масалаларидан биридир. Тошкентдаги 4-алоқа ҳунар-техника билим юрти бу масала билан изчил шуғулланмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш таълими мастерлари ёшларда меҳнат кўникмаси ҳосил қилиш билангина чекланиб қолмаётирлар. Ишлаб чиқариш таълими мастерлари ёшларнинг тарбияси ва психологиясига оид муҳим масалалар муҳокама этилди. Масалан, мустақил иш олиб боришга интилиш, ёшларнинг характери ва қизиқишларидаги қатъият, уларнинг ахлоқига доир баъзи масалалар, маъсулиятни ҳис этиш шулар жумласидандир. Ишлаб чиқариш таълими мастерлари ўсмирларга таъсир этиш бўйича иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Н. МАТВЕЕВА.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ БУГУНГИ ПОЧТАСИДА

ЯНГИОБОДЛИКЛАР УЧУН

Ҳамза районида жойлашган Янгиобод кейинги йилларда обод бўлиб бормоқда. бу ерда шаҳримизда энг кенжа автоматстанциясини қуриш ишлари қизғин бошланди. 98 рақами билан бошланувчи бу нинг биноси икки қаватдан иборат бўлиб минг абонементга хизмат қилади.

Бунёдкорлик ишларини «Узбекэлектромонтажпублика ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж лашмасининг Тошкентдаги ремонт қурилиш қармаси коллективи олиб бормоқда. Бу механизатор М. Олшаниқий бошлиқ қурувчилар кундалик топшириқларни 140 процентга ришга эришмоқдалар.

Янги автомат-телефон станцияси қурилиши учун 300 минг сўм атрофида капитал ажратилди.

Телефон станцияси республикамизнинг лик тўйин арафасида фойдаланишга топширилади.

М. АЪЗАМОВ.

ЯНА ЎТТИЗТАГА КЎПАЙДИ

Шаҳримизнинг бугунги жамолини кўрсатувчи қувонади. Айниқса, энг сермаҳатов кўчаларинатилган қулай ва бежирим соябон ўзгача хос жозиба бағишлаб турибди. Ҳозир шаҳримизда йўловчиларга ёғин-сочин кунларида асқотадиган ана шундай бекатлардан 40 таси ўрнатилган.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси матчилари баҳорнинг дастлабки кунларидаёқ бошлаб янги бекат майдончаларини қуришга киришдилар. Йил охиригача яна 30 та соябон риб фойдаланишга топширилади.

Ҳ. РАСУЛОВ.

КЎНГИЛДАГИДЕК БЎЛАР

Олой бозори автостанциясидан турли шрутлар бўйлаб қатновчи автобусларнинг жими ҳақидаги биронта ахборот жадвали Йўловчиларнинг бир хил сўрогидан безган диспетчер хонаси пештоқига: «Қаерда буси ҳақидаги саволларга жавоб берилади — деб ёзиб қўйилган.

Автостанциядаги ошхона ва автомат хонаси орасида етарли бўш жой бор. Бу қатнов графиги белгиланган бир вақт осиб қўйилса, ҳамманинг кўнгилдаги иш бўлар эди.

А. ЭРГАШЕВ.

САМИМИЙ ВА ДИЛКАШ

3-трамвай паркининг 23 ва 29-маршрутларийича қатнайдиган темир тулпор суворийлари Н. Осипов ва В. Ясюклар биринчи класс чилардир. Шунинси қувончлики, улар ҳайдовчигина эмас, самимий ва дилкаш лар ҳам. Зарурият билан уларнинг вагонига ган йўловчи ҳамма бекатларни номма-ном тиб, қалтис бурилишларда огоҳлантириб лади.

Ушбу ҳайдовчиларнинг яна бир фазилати улар йўловчига ҳадеб билет олишни эслатоб қилавермайди. Ўз қадрини билган эса бундан ўзига яраша хулоса чиқариб радилар.

У. ЗОКИРЖОНОВ.

ИЗЗА БЎЛДИМ

Калинин районидаги 36-мактабда қатнаб ўқитувчи бўлиб ишлайман. Шу февраль куни кечга яқин ишдан чиқиб, автобус яқинлашиб келаётганини кўриб, 70 да бўлишига қарамай 200 метрча жойга бордим. Бекатда йигирма чоғли ўқувчи мен ҳансираб турганимда 56—73 ТНА автобус секинлаб келиб тўхтамай ўтиб кетди.

Ўқувчиларимнинг олдида жуда изза бўлдим. 103-маршрут бўйлаб қатновчи ушбу ҳайдовчисини ҳам кимдир ўқитган, одоб ўргатганини ўйлаб ўксиндим.

Н. МАВАШЕВА.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ТЕМАТИК КЎРГАЗМА

Нукус шаҳрида — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоқ филиалида «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси 40 ёшда» кўчма тематик фото кўргазмаси очилди.

Бу кўргазмани Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси республика Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этган.

Шу кўргазмада фанлар академиясининг тарихи, унинг республикамизда табиий ҳамда ижтимоий фанларни ривожлантиришда кўшаётган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади.

А. ҲАКИМОВ.

...МАҚТАЙДИ...

КАСБГА ИХЛОС

Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла аҳолиси шу ерда жойлашган 37-газета ва журналлар киоскасида хизмат қиладиган Мавлудахон Садиқисановани жуда ҳурмат қилади. Сababи Мавлудахон ўз касбига ихлос қўйган, харидорлар билан доим хушмуомалада бўлади.

Мана олти йил бўлдики, киоска доим ўз вақтида аҳоли хизматига шай. Унинг ширинсухан сотувчиси эса ойлик планларини мунтазам 120—140 процент қилиб адо этиб келмоқда.

Маҳалла аҳолиси номидан:

О. МУЗАФФАРОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ТИКЛАНДИ ВА ЭНДИ ҚАРОВСИЗ

Чилонзор массивининг 18-кварталида Шарқнинг буюк алломаси Ал-Хоразмийнинг пурвиқор ҳайкали ўрнатилганида ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Ҳозир қанча меҳнат ва маблағ сарфланиб тикланган ҳайкал қаровсиз қолди.

Ҳайкал ёмғир сувлари таъсирида ҳозир кўримсиз бўлиб қолган. Майдон ҳам сариштa эмас, ҳаммаёқ бўш консерва қутилари билан тўла.

Айтингчи, бу ҳайкал ва майдончани аҳолининг севимли масканига айлантириб озода тутиш кимнинг вазифаси?

А. БОЗОРБОЕВ,
қурувчи.

Турли касб эгалари

Нурхона соҳибаси

— Роза Сергеевна, эртадан сўнг имтиҳон бор, шу китобни уйга бера қолинг, — студент қиз ўқув билетини узатди.

— Сизлар мени тушунсаларинг эди, бу китобдан бир нусха, холос, фақат ўқув залига берилади,— Роза Сергеевна меҳрибонлик билан жавоб қилди.

— Ўз ҳолича қўлингизга қайтараман, —студентнинг овози ялингансимон эшитилди.

Роза Сергеевнанинг кўнгли бўшлиги иш берди. У муқоваси янги ҳолда сақланган «Антик адабиёт тарихи» китобини студентга узатди.

— Эрталаб топшириш шарти билан...

— Роза опа, бу китобингизнинг орасида энг керакли ўн тўрт варағи йиртиб олинган экан, — дарс қилиб ўтирган бошқа бир қиз унга мурожаат қилди.

— Ҳозир бошқа нусхасини қараб кўрай....

У. илдамлик билан бошқа нусхани олиб чиқади. Йиланган варақ унда ҳам йиртиб олинган. Китобларга нисбатан бундай «ғамхўрлик» Роза опани анча ўйлантириб қўяди...

Роза Сергеевна! Бу ном Тошкент Давлат университети илмий кутубхонасининг ўқув залида ҳар куни такрорланади. Бу аёлнинг кутубхона оламига кириб қолганига йигирма беш йилдан ошяпти. Шунча йил мобайнида ўқув залининг мудираси бўлиб ишлаб келмоқда. Хушмуомалалиги, ширин сўзлиги билан китобхонлар меҳрини қозонган. Ўқитувчими ёки студентми, ким бўлмасин, улар учун зарур китобларни ўз вақтида топиб беради. Қолаверса, ўқув зали фондининг ўн мингдан зиёд нусхадаги китобларини ўз мулкидай сақлайди.

— Бир улуғ файласуфга қаерда ишлашни кўпроқ ёқтирасан, — деб сўраганларида, — кутубхонада— деб жавоб берган экан.—Кўп суҳбатларда Роза Сергеевна шу гапни ўзгача бир табассум билан такрорлайди.— Мен ҳам кутубхонада ишлашга меҳр қўйиб қолганман.

«Илмий адабиёт кишиларни жаҳолатдан, нафис адабиёт эса даҳолик да разилликдан ҳалос этади», — деб ёзганди улуғ рус танқидчиси В. Г. Чернишевский, Бундай олижаноб ишда Роза Сергеевна Бектемисова сингари ажойиб инсонларнинг ҳам катта хизматлари бор.

Т. МАДРАҲИМОВА,
ТошДУ студенти.



Шаҳримиз ҳуснига ҳуси қўшиб турган жуда кўплаб маъмурий ва маданий бинолар лойиҳасини яратишда «Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг 3-устахонаси коллективи ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада сиз ана шу устахона мутахассисларидан (чапдан-ўнгга) Е. В. Любарчук, Е. Ю. Комский ва устахона бош архитектори В. Л. Спивакларни иш устида кўриб турибсиз.

Ҳ. Мирзакаримов фотоларн.

• *Редакцияга хат*

Бекат кўчирилса

72-экспресс маршрути бўйича қатнайдиган автобуснинг Юнусобод массивидаги А. Дониш номли сўнгги бекати атрофида 30 мингдан кўп аҳоли яшайди. Бу ердан Ф. Энгельс номли кўча бўйлаб «Олой» бозоригача фақат шу автобус қатнайди. Автобус илгари «Шаҳристон» бекатидан сўнг «Олой» бозори бекатида тўхтар эди. Шу йилнинг биринчи ойидан бошлаб у «Қозоғистон» кинотеатри олдида тўхтайдиган бўлди.

Биз бир гуруҳ аҳоли автобус тўхташ жойини «Ғалаба» номли дам олиш зонаси бекатига кўчиришни таклиф қиламиз.

Ўлкамизга баҳор келди. Ҳадемай ором-ғоҳ каттаю, кичикнинг севимли масканига айланади. Оромгоҳ олдида бекатнинг бўлмаслиги эса табиийки, дам олиш кунлари сайрга чиққан ҳамшаҳарларимизга анча ташвиш орттиради.

Массив аҳолиси номидан:

М. ЖЎРАЕВА.

●ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Пойтахтнинг Луначарское шоссеси тобора гўзаллашиб боряпти. Проспектнинг икки томонида ажойиб архитектура кўринишига эга бўлган муҳташам бинолар қад кўтармоқда. Яқинда уларнинг сони яна битта ортади. Ҳозир бу ерда Тошкент олий партия мактабининг янги биносини қурмоқдамиз. Яқинда матбуотда партия ва совет кадрларини тайёрлашдаги катта хизматлари учун Тошкент олий партия мактаби Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинди. Бу хушхабардан биз қурувчилар ҳам беҳад шодландик. Чунки шундай бир олий даргоҳни қуяётганимиз билан фахрланамиз.

Ҳозирда объектда қурилиш-монтаж ишларини жадал суръатда олиб боряпмиз. Еттн қаватли бош корпусни шу йилнинг май ойида фойдаланишга топшириш учун курашмоқдамиз. Комплекснинг қолган бинолари йилнинг охирида ишга туширилади.

Олдимизда юксак вазифалар турибди. Партиямиз да таъкидлаганидек, асосий мақсадимиз объектни ўз вақтида фойдаланишга топширишдир. «План-ошган бажармон — бурч», дейди халқимиз. Биз ҳам бажармон- риб бажармоқдамиз. Бу бизнинг дир!» — бу бизнинг кунги шиоримиздир.

Б. СУЛТОНХЎЖАЕВ,
«Главташкентстрой»нинг 159-трести Ю-лиш бошқармаси учаскаси бошлиғи.

• *Маҳаллада нима гап?*

ОЛИМ ОТАНИНГ ОЛЧАЗОРИ

Кўклам сел ёйган маҳал Ишчилар шаҳарчаси яқинидаги «Известия» номли маҳаллага йўлингиз тушган бўлса унинг саккизта кўчаси бўйлаб барқ уриб гуллаб ётган олчазорга ҳам кўзингиз, кўнглингиз тушган бўлса керак.

Инсонни меҳнат улуғлайди. Лекин қандай меҳнат? Бундан роппа-роса 50 йил бурун шу маҳалла котиби бўлиб сайланиб, ҳозиргача элнинг яхши-ёмон кунида бошқош бўлиб келаётган Олим ота Мусаевнинг айтишича, инсонни фақат беминнат меҳнат улуғлайди.

Маҳалла кўчаларида бир-бирига елка тираб уч мингдан зиёд олча кўкармоқда. Мана бир неча кунлардан кейин бу жой олча денгизига айланди.

— Ҳозир 1 Май дидан маҳаллада донлаштириш ишрини олиб бормоқмиз. Бўсув ҳовуз бўйларини тозалаш кўчатлар учун ариқлар қазиш ишлари 80 ёшли пенсионер Улуғ Ватан урушиштирокчиси Н. Аброров, Р. Мирахмедов, И. Қодировлар қатга ўрнак бўлишмоқда, — дейди Олим ота Мусаев.

Ю. МУҲАМЕДОВ.

• Л У Қ М А

ХАТИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Айтишларича қадимда Тошкентнинг адир зонаси доимий оқар сувдан маҳрум, қип-қизил дашт бўлган экан. Ўша даврда унча катта бўлмаган деҳқон жамоалари Чирчиқ дарёси тошқинларидан ҳосил бўлган сув тармоқларини кичик-кичик майдончаларга тараб деҳқончилик қилишган. Сув танқис бўлган. Чунки у пайтлар шаҳарда «Водоканал» трести, Водопровод тармоқлари бошқармаси деган ташкилот бўлмаган...

Буни ҳеч ким билмайди, дейсизми. Билишади. Аммо баъзи одамлар қанча билагон бўлсалар шунча тез унутадиган бўлиб қолишган. Кечагина ёғоч кўза, ҳум кўза ва қумғонни қўлтиқлаб қудуққа термулиб юрган одамлар бугун авжи пастроқ фонтан ёнида дам олиб ўтирганни уялишади. Уйларига навбатсиз телефон, газ плитаси ўрнатиш пайида елиб-югуришади. Водопровод қувури ўтказишга ошиқишади. Бирининг кўнглини олсанг, бошқаси ҳафа, айримларни йиллаб сарсон бўлиб юриб бир «саодатли» кун келгач, ҳаммасига қўл силтаб йўлида кетаверади, айримларни эса дарров шикоят ёзишга тушади...

— Бундан 9 йил аввал тўртта қўшни уйларимизга водопровод қувури ўрнатдик,—деб хат ёзиб, ди бизга оқшомхон Н. Томрова. Бунда бизга тегишли идора ходимлари ёрдам қилишди. Аммо икки йил ўтгач водопровод қувури носозлиги туфайли яна сувсиз қолдик. Водопровод тармоқлари бошқармаси ходимлари қўл учида ремонт қилиб, ишни битиролмагач, охири кўча бошидан сув қувурини бутунлай қирқиб қўйишди.

Менинг ёшим етмишда. Бироқ мен билан бирга 95 яшар оийм ҳам яшайдилар. Яқинда у киши қариндошларникига ювинишга бориб келаётиб йиқилиб шикастланди ва ҳозир тўшакдан туролмайдилар. Тошкентдай шаҳри — бўстонда, гуллар ва фонтанлар диёрида биз сувсиз ўтирибмиз...

Хат муаллифи Коммунистик район идаги Запорожская кўчаси 35-уйда истиқомат қилади. Унинг шу хонадонда тоғдай саргайиб кетган ва расмий хат бор. Унда муаллифи эса «Водоканал» трести водопровод тармоқлари бошқармасининг Ўрмонбошлиғининг Ўринбосари Г. Александров. Ҳар ги хатда 1981 йил ойида ушбу хонадонга водопровод қувури тортиб натиб бериш вазифаси лингган. Бу орада учта март ойи ўтди...

«Водоканал» трести ги ўртоқларга энди битта хат ёзишга келади. Редакция ҳам га. Ва бу хат қанча ёзилса шунча соз.

М. ЮСУПОВ.



Редакцияга келаётган хатларда шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасидаги хизматчиларнинг эътиборсизлиги билан аҳоли бир неча йилдан бери иккониятни бўлсада уйларига телефон тушира олишмаётганлиги ҳақида, телефонлари бир ишлаб, бир ишламаслиги ҳақида, аҳоли гаввум ерлардаги телефон-автоматларнинг баъзилари ишламаётганлиги тўғрисида ёзишган. Қуйида ана шу хатларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ТЕЛЕФОН МУАММОСИ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Мен беш ёшли вақтимда, 1975 йили, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси бўлган бувам уйга телефон туширнш учун ариза берган эдилар. Улуғ Ватан урушида улар Калуга, Брянск, Минск шаҳарларини немис-фашист газандаларидан озод этишда иштирок этдилар. Ватанни ҳимоя қилганлари учун у киши «Менга навбатсиз телефон тушириб бершадн» дер эдилар. Лекин миниг афсуски, шундай бўлмадн. Бахтга қарши бувам 1979 йили вафот этдилар. Ҳозир қўшиннларимизда телефон бор, бизда йўқ.

М. СУЛТОНОВА,
Баҳористон кўчаси, 25-уй.

●

Уймнга телефон тушириб бершларнни илтимос қилиб 1975 йилда ариза ёзган эдим. «Уйингиз бузилади, янги уйга кўчсангиз ўрнатиб берамиз», деб ваъда бериидн. Янги уйга кўчиб, 1982 йилнинг бошларида яна ариза бердим. Ҳозир икки йил бўлиб қолди: ҳали у деб, ҳали бу деб овора қилишади.

Х. МИРНАЗАРОВ,
Қашқарий кўчаси, Қашқарий проезди, 13-уй, Улуғ Ватан урушнинг II группа инвалиди.

●

Ун уч йилдан бери уйимизга телефон ўрнатиш учун навбатда турибман. Навбатнинг эса ниҳоя-си кўринмайди.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси дейилса жуда жаранглор ва салобатли эшитилади. Аммо бу бошқарма ходимлари олиб бораётган ишлар кўнгилдагидек эмас.

П. АЛИМОВ,
«Шуҳрат» ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери.

●

Мана беш йилдирки, уйимизга телефон тушириб бершларнни сўраб ариза берганман. 58-АТСнинг Йўлдош шаҳарчада ишга тушганига уч йилдан ошдики, ҳали ҳам телефон тушира олмай сарсонмиз. Шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасига мурожаат қилсак, сарсон қилишдан бошқа нарсани билишмайди.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ,
Йўлдош шаҳарча, 2-квартал, 57-уй, 11-квартира, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.

●

Телефон тушириб берадиган идорага боравериб, чарчадим. Мени уч йилдан бери сарсон қилишади. Охирги борганимда арзимни эшитишни ҳам ҳоҳлашмади. Жуда ҳафа бўлиб қайтдим. Укам олтмиш еттида, мен етмиш бирдаман. Иккимиз ҳам оғир касалмиз. Турмуш ўртоғим ҳам жуда кўп касалхонада бўлади. Нега энди бу мутасадди ташкилотлар бизни сарсон қилишади!

Т. ЮНУСОВ,
Ҳакимхон кўчаси, 96-уй, Улуғ Ватан урушн инвалиди.

●

Хадра майдонида жуда кўп, ўнга яқин жойда телефон-автоматлар бор. «Шошилганда лаббай топилмайди» деганларидек, шошиб турганингда майдонингг у бурчагидан бу бурчагига югуриб қўнғироқ қилмоқчи бўласан, лекин шу ўнтадан саккизтаси ишламайди. Бундай ишламайдиган телефон-автоматларни шаҳримизнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Нима, улар савлатга қўйилганми!

А. ТОЛИПОВ,
Фаробий кўчаси, 11-тупик, 4-уй.

РЕДАКЦИЯДАН: Шунингдек, Убай Орипов кўчасидаги 2-уй, 12-квартирада истиқомат қилувчи, кекса ўқитувчи, меҳнат ветерани М. Аҳмедов редакцияга хат йўллаб улар яшаётган биноларидаги жуда кўпчиликка телефон туширнб беришаётганлиги, унга келганда сансалорлик қилишаётганлиги ҳақида, Акмал Икромов районидаги Ҳужум кўчаси, Ҳужум проезди, 9-уйда истиқомат қилувчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси М. Абдуллаев, Балимонов кўчаси, 31-уйда яшовчи Улуғ Ватан уруши ветерани, II группа нивалиди П. Эшматов, Самоний кўчаси, Самоний проезди, 4-уйда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши нивалиди Қ. Обидов, Собир Раҳимов районидаги Фаробий кўчаси 16-тупик, 29-уйда яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, иккинчи группа нивалиди Т. Тошқўзиев, ана шу райондаги Парвариш кўчаси 11-уйда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани К. Тошпўлатов, Аносова кўчаси 16-уйда яшовчи А. Зоҳидов, Чилонзор кўчаси, 2-проезд, 14-уйда истиқомат қилувчи З. Пўлатова, Самарқанддарвоза кўчаси 194 «б» уйда яшовчи Қ. Муҳамедов, Брусловская кўчаси 20-уйда истиқомат қилувчи, қаҳрамон она М. Мусаевалар уйларига телефон тушириш учун беш-олти йилдан бери сарсон бўлаётганликлари ҳақида, Шароф кўчаси, 37-уйда яшовчи С. Нормуҳамедов, «Марказ—14» кварталидаги 24-уй, 105-квартирада истиқомат қилувчи В. Обидова, Мусоргский кўчаси, Ойдин проезди, 18-уйда яшовчи А. Умаровлар телефонлари бир кун ишлаб, бир ҳафта ишламаслиги ҳақида хат йўллашган.

Редакция телефон тармоқлари Бош бошқармасидан газетхонлар хатларида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ жавоб кутади.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ
27 АПРЕЛЬ, 1984 й.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ФИЛЬМЛАРИ

Е. Кузиннинг совет ва афғон болалари дўстлигини тараннум этувчи «Ҳар доим бўлсин қуёш», Апрель революцияси ҳақидаги «Афғонистон. Республика тонги» каби ҳужжатли лентaлари афғон халқининг кураши тинчликсевар халқлар томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганли г и, ёш республиканинг истиқболи ҳақида ҳикоя қилади.

Тожик кинематографчилари яқинда бўладиган VIII Халқаро Тошкент фестивалида намойиш этиш учун ҳам янги фильмларини юбордилар. Фестиваль экранига тавсия этилган кинорежиссёр Ю. Юсуповнинг «Гаровдаги одам» номли бадиий фильмини тақдим этди. Режиссёр Николай Гусарев суратга олган бу картина биринчи рус ўлкашуноси С. Дежнёвнинг ажойиб тақдири, сермашаққат ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Фестиваль экранида Ғарбий Сибирь кинохроника студиясининг «Сибирь қиши», «Уренгой — Марказ 203-километр». Шарқий Сибирь кинохроникаси студиясининг «Бугулар айлана бўйлаб юрадилар», Узоқ Шарқ кинохроника студиясининг эса «Вулқонлар туғиладиган ер» деб номланган ҳужжатли лентaлари ҳам намойиш этилади.

Туркманистон кинематографчилари яқинда яратган «Муҳаббатнинг қайғули қиссаси» бадиий фильми халқаро киноанжуман томошабинлари эътиборига ҳавола этилади. 30-йиллардаги коллективлаштириш даври воқеалари тасвирланган бу фильмни режиссёр Муҳаммад Суюнхонов суратга олган. Озарбайжон экран усталари эса икки серияли «Низомий» бадиий фильми билан Тошкент кинофестивалида иштирок этадилар. Фильмдаги бош ролни таниқли хонанда, СССР халқ артисти Муслим Магомаев ижро этган. Картинага XII— XIII асрларда яшаб, ижод этган буюк Озарбайжон шоири Низомийнинг ҳаёти саҳифалари асос қилиб олинган. Фильмга композитор Қора Қораев куй басталаган. Бундан ташқари, Озарбайжон киноусталари «Ҳаммаси анор ҳақида», «Нефть тошлари» каби ҳужжатли фильмларини ҳам фестивалда намойиш этишади.

Қардошлар и м и з яратган бу бадиий ва ҳужжатли лентaларда томошабинлар янги услуб ва анъаналар, экран усталари қўлга киритган беқиёс ютуқлар билан атрофлича танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.



СУРАТДА: «Туркманфильм» киностудиясининг VIII Халқаро Тошкент фестивали экранига тавсия этилган «Муҳаббатнинг қайғули қиссаси» фильмидан кадр.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БУГУН— АФҒОНИСТОН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — АПРЕЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 6 ЙИЛЛИГИ



Жоузжон вилоятида машина-трактор станцияси муваффақиятли ишламоқда. Қисқа вақт ичида у йирик механизациялашган корхонага айланди. Станцияда тракторчилар, комбайнчилар, слесарлар тайёрлаш доимий курслари очилган.

СУРАТДА: совет мутахассиси— ленинободлик Х. Ҳамидов (ўнгдан иккинчи) «Нива» комбайнига хизмат қилаётган механизаторга консультация бермоқда.

М. Олимов фотоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

СОФИЯ. Хасково химия машинасозлиги комбинатининг коллективи Совет Иттифоқига маҳсулот экспорт қилиш ҳақидаги шартномасини муддатидан ярим йиллик планни ярим йилга қолдирмасдан бажарди. Совет Иттифоқидаги буюртмачиларга химия саноати аппаратлари ва реакторлари юборилди. Шу йил СССРга юбориладиган маҳсулотлар ҳажми олти миллион левликдан ортади.

Хасково химия машинасозлиги комбинати — Социалистик Иқтисодий Интеграция самарасидир. У СССР нинг техник ёрдами билан лойиҳаланди ва қурилди. Комбинатда ишлатилаётган металл Совет Иттифоқи рудасидан эритилади. Комбинатнинг уч юз хил номдаги маҳсулотини эса бугунги кунда барча социалистик мамлакатлар олиб турибди.

ХРОНИКА, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

БУХАРЕСТ. Дастлабки прогнозларга кўра шу беш йилликнинг охиригача Руминиянинг умумий экспортида енгил саноат улуши 10 процентдан ошиб кетади. Бухарест, Крайово, Вокшана, Сатумарадаси, республикасининг бошқа шаҳарларидаги корхоналар ўз моделларига биноан ясалаётган, шунингдек чет эл фирмалари билан ҳамкорликда тайёрланаётган экспорт маҳсулоти хили ва ҳажмини муттасил кўпайтириб бормоқда. Руминия корхоналари билан бошқа мамлакатлардаги буюртмачилар ўртасида ву жудга келган муносабатларнинг барқарорлиги яна бир алоҳида хусусият ҳисобланади. Руминия енгил саноатининг тикилган ва бошқа маҳсулотлари совет истеъмолчиларига яхши маълум. РСР умумий экспортида шу группадаги моллар Совет Иттифоқига юборилиш салмоғи 25 процентдан ортади.

ПАНАМА. Республика Бош Статистика бошқармасининг хабар беришича, Панама аҳолиси 2 миллион 134 минг кишига етган. Шулардан 962 минг киши Панама вилоятида яшайди. Мамлакат пойтахтида 500 минг га яқин киши, катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар Колонда 65 минг киши бор. Индеец аҳолисининг сони 117,5 минг киши бўлиб, аҳолининг ўсиш суръатлари йилига 2,18 процентни ташкил қилади.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ВАРШАВА. Краков яқинидаги Нова-Гута шаҳрида Совет республикалари хафталиги бўлиб ўтди, шу ҳафталик доирасида Польша-Совет дўстлиги кечаси ўтказилди. Ҳафталик чоғида кўпдан кўп учрашувлар уюштирилди, совет кинофильмлари намойиш қилинди, виставкалар очилди. Тантаналар Польшада нишонланаётган Ленин кунлари билан бир вақтга тўғри келди. Нова-Гута маданият марказида «СССРда спорт — миллионлар спорти» кўргазмаси, шунингдек совет плакатлари экспозицияси очилди.

КОБУЛ. АХДП Кобул шаҳар комитети АДР Касаба Союзлари Марказий Кенгаши билан биргаликда АДР пойтахтидаги 52 ишлаб чиқариш коллективининг мусобақаси якунларини чиқарди. Бу мусобақа 1978 йил Апрель революциясининг 6 йиллигига бағишланган эди. Шаҳар саноатида план топширилганлиги 115 процент, қурилишда эса 116 процент бажарилди, юк ташиш ҳажми 10 процент ошди. Хом ашё ва материалларни тежаш, шунингдек Кобул ишчи ва хизматчиларининг ҳашар кунларида оммавий иштирок этишлари ҳисобига давлат хазинасига салкам 100 миллион афғоний пул ўтказилди. Шаҳар партия комитетининг маълумотларига кўра, ўтган йили пойтахт корхоналари рационализаторлик таклифларини жорий этиш натижасида 50 миллион афғоний қўшимча даромад олдилар.

АММОН. Иордания пойтахти Аммонда жала ёмғири қуйиб, жуда қатгиқ шамол кўтарилди. Шамол дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлади, уйларнинг томини учириб кетди.

Аммон халқаро аэропорти вақтинча ёпиб қўйилди, мамлакатнинг бошқа маъмурий марказлари ўртасида автомобиль қатнови ва алоқа бузилди.

РАБОТ. Марокашнинг муҳим саноат маркази— Сафи шаҳрида совет маданияти ҳафталиги бошланди. «СССР—мамлакат ва одамлар». «Совет-Марокаш дўстона алоқаларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги», «Тинчлик йўлидан», «СССРда спорт» тематик фотовиставкалари томошабинларга совет кишиларининг турмуши ва меҳнати тўғрисида, дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати тўғрисида тасаввур беради. Сафи кинотеатрларида совет бадиий ва ҳужжатли фильмлари намойиш этилмоқда. Ҳафталикни ўтказишда СССР кинематографчилари делегацияси иштирок этмоқда.

ОММАВИЙ ЗАБАСТОВКА

САН-ФРАНЦ И С К О. Лас-Вегас (Невада штати) шаҳридаги меҳмонхоналар ва концерт заллари ходимларининг оммавий забастовкасини бостиришда маъмурлар полиция жабр-зулмидан фойдаланмоқдалар. Қуролланган полициячилар отрядлари иш ташловчилар қўйган соқчиларга ҳужум қилишди. Юзга яқин киши қамоққа ташланди. Шулардан сўнг бўлиб ўтган кўп минг кишилик норозилик намойиши қатнашчилари маъмурларнинг ўзбошимчаликларига ва «тартиб сақловчилар»нинг зўравонлигига чек қўйишни талаб қилдилар. Лас-Вегасдаги иш ташлаш иккинчи ҳафтадан буён давом этмоқда. Унда 17 минг меҳнаткаш қатнашмоқда. Улар иш ҳақи оширилиши ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилмоқдалар.



«Франция — СССР» жамиятининг Париждаги штаб-квартирасида Ришар Напьенинг суратлари виставкаси очилди. Унинг суратларида Совет Иттифоқидаги машҳур архитектура ва скульптура ёдгорликлари акс эттирилган.

СУРАТДА: Ришар Напье ўз виставкасида.

О. Карасев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ВУЛҚОНГА «ЖОН КИРДИ»

Токиодан 180 километр жанубда жойлашган Миякэдзима оролидаги Озима вулқони портлай бошлади. Лава маҳаллий аэропорт ва 523 та уйни шикастлантирди, шунингдек бу ҳудуда оқибатида ўрмон ёнғинлари содир бўлди. Портлаш натижасида юқори балвандликдан тошлар кўчиб тушди, шунингдек ер қимирлади.

Офат юз берган райондан оролнинг 1300 аҳолиси шошилинч равишда олиб чиқиб кетилди, Япония метеорология агентлигининг маълумотларига қараганда, қурбонлар бўлмади.

ЎҚУВ-ТАДҚИҚОТ БАЗА

Руминиянинг Ясси шаҳрида тўқимачилик саноати учун янги ўқув-тадқиқот базаси барпо этилди. Унн қуришга 45 миллион лей пул ажратилди. Ўқув корпусларн ва илмий-тадқиқот лабораторнялари, шунингдек махсус ўқув устахоналари қурилди. Булар тола ва газламалар, трикотаж, кнймкечак структураси, уларнинг химиявий ишлови соҳаларида. шунингдек дизайн соҳасида энг мураккаб тадқиқотлар ўтказишга имкон беради.

ЭНГ ЎТКИР ПРОБЛЕМА

Уй-жой фондининг ниҳоят эскирганлиги Миср пойтахтидаги энг ўткир проблемалардан биридир. МАР халқ мажлиси уй-жой комиссиясининг докладнга кўра катта Қоҳирада 70 мингтадан кўп уй аварня ҳолатида бўлиб, улар ҳар бир дақиқада босиб қолиши мумкин. Бундан ташқари кўпгина уй эгаларн кўпроқ пул орттирнш мақсадида эски бинолар устида қўшимча қаватлар қурэптнларкн, бу бинолар шундай юкни кўтаришга мўлжалланмаган.

Уй-жой биноларининг босиб қолиши Миср шаҳарларида одатдаги ҳодиса бўлиб қолди. Бунда аввало одамлар нобуд бўлмоқда.

ЯШИРИНЧА «МАҲСУЛОТ»

Ҳиндистон полицняси Харнана штатининг Бхиванн шаҳри районида миллтиқ ва тўппончаларни яширинча ясаш билан шуғулланиб келган тўдаини йўқ қилди. ПТИ информацня агентлигининг хабар беришича, шу тўдага қарашли устахонадан тўппонча ва милтиқлар, кўпдан-кўп ўқ-дорн топилди. Қўшни Панжоб штатида қўпорувчилик ишлари қилаётган сепаратчн ва диний жамоа гуруҳларига қарашли экстремистлар шу яширинча «маҳсулот» билан таъминланиб келганлнги аниқланди.

ЯДРОСИЗ ЗОНА

Калифорнияда яна бнр — тўртинчи шаҳар — Сент-Хелина шаҳри ядросиз зона деб эълон қилинди. Ўтказилган референдумда шундай қарор қабул қилинди. Референдум чоғида аҳолининг 65 процентн шаҳар территориясида ядро қуролн ишлаб чиқиш, унн ишлаб чиқарнш ва ташиш тақиқланснн, деб овоз берди.

ЎН БЕШ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

Вьетнам пойтахтидаги энг катта госпиталлардан бнрн Вьетнам-Куба дўстлнги госпиталн ташкил этнлган кунининг ўн беш йиллигнни нишонладн. Бу госпнтал қнйнн пайтда —нмперналнстлар агрессняси йилларида кубалнк дўстлар ёрдамида қурилган ва жнҳозланган эдн. Касалхона врачлари ва медицина ходимлари Америка бомбардимонндан жабр кўрган Вьетнам Халқ Армнясннинг минглаб жангчнларн ва тннч аҳолининг ҳаётнни сақлаб қолганлар. Ҳозирги вақтда госпнтал республнкада асосий даволаш ва профнлактнка марказларндан бнрн бўлнб қолдн. Унинг лабораторнялари катта нлмнй-тадқнқот ншларн ҳам олнб борнлмоқда. Аҳолн ўртаснда медицнна ва гнгнена билнмларнни тарқатишга катта аҳамнят берилмоқда. Госпнталда Вьетнам соғлнқнн сақлаш системасн учун кўплаб малакалн кадрлар тайёрланган.

Редактор
Ш.Ю.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

27 АПРЕЛЬ, 1984 й.

● АЖОЙИБ ТОПИЛМА

ҚОРА ДИРҲАМЛАР» СИРИ

Пойтахтимизда анъанавий равишда ўтказилаётган учинчи киносанъаткорлар анжуманларида Осиёдаги иттифоқдош республикалар, шунингдек Свердловск вилояти киностудиялари экранларн ҳам актив иштирок этишмоқда. «Ленинфильм» киностудиясн ўзининг «Авлиёсн сири», «Сиёсат ҳақида достон». «Отим дарасидаги учрашув», «Фарзандлар қасоси» ва бошқа бир қатор картиналарини Тошкент фестивалларн экранларида намойиш этишмоқда. Бу картиналарнинг ҳар бири турли ижодий услубда яратилганлигига қарамай, фестиваль руҳига ҳар жиҳатдан мослашгандир. Мазкур картиналарнинг ижодкорлари замондошларимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни экранда ҳаёлий образлар орқали ечишга этишган.

Тожик экран усталарнинг фестиваль экранларида намойиш этаётган «Революция ва муҳаббатим менинг», «Ўн миллатли совет оиласи»нинг улкан навқнронлари Мирзо Турсунзода фаолиятига бағишланган «Муаллим» фильмлари яхши кутиб олинган эди. Режиссёр Шарифхон Ёрматов ўзининг «Ёлғиз терак» фильмида ўқитувчи Ҳалима Ёқубова образини яратган. Ўзбек киноактрисаси Ҳалима Ёқубова ўзининг ижодий йўлини, ўқитувчилик фаолиятини эслайди.

Ш. ЖЎРАЕВ.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғайратжон Ғулом

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Байрам либосининг фасони ҳақида ўйлаётганда бир қатор услубларни намоён этиш мумкин! Худди ана шу пайтда сизнинг дидингиз, ўзига хос нафосатингиз, модани қандай тушинишингиз яққол кўринади. Бундай тараддуд либосларни турли хил услубда тикиш имконини беради: романтик, фольклор, гардишсимон. Жакетлар, узун жилетлар билан кийиладиган кўйлаклар, эркин қиёфада бўрттирилган кўйлак-комбинезонларни кийиш яхши одатга айланиб бормоқда. Уларнинг тепа қисми кўйлаклар типида, пастки қисми эса шим, шаровар, галифе тарзида безакланади.



84-йилнинг нурлар жилоси кўп жозибалидир— четан ва наъматак, гунафша ва малахит туси одат бўлаётир. Бундан ташқари ёркин тусли ранглар билан бир қаторда тўқ рангларга ҳам қизиқиш билан қаралмоқда.

Байрам оқшоми либоси учун ацетат, табиий ва сунъий шойининг кумуш ёки оқпар тусини танлашингиз мумкин. Бу газламалар либоснинг қиёфасини яхши сақлаб қолади, чоклари эса майин ётади. Бундай газламалардан тикилган байрам либосларида серқирра воланлар, плисселар, гофрелар ишлатилса ҳашамдорлик янада ошади.

Ўртасига гул солинган, каштачилик билан тикилган майин, нозик рўмоллар байрам либосини янада безайди.

Сизларни «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА шойи газламалар сотиб олишга таклиф қиламиз!

АГАРДА СИЗ ТАЙЁР ЛИБОСЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ МАНЗУР КЎРСАНГИЗ — «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН ҚУЙИДАГИ ЛИБОСЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

кримплен, шойи, крепдешиндан европача ва миллий услубда тикилган кўйлаклар;

ранг-баранг тусдаги газламалардан калта ва узун енгли қилиб тикилган блузкалар;

тўғри бичимли қат-қат ва клешли юбкалар;

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ АРАФАСИДА ЭРКАКЛАР ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛГАНИ ЙЎҚ. УЛАР УЧУН «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДА КЎЙЛАКЛАР, ШИМЛАР ВА КОСТЮМЛАРНИНГ КАТТА ТУРКУМИ САВДОГА ҚЎЙИЛГАН.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (45-37-24).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг
2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

техника назорати хизмати прораби, минорали кранлардан фойдаланиш бўйича участка мастерлари, планли белгиланган ремонт участкаларининг мастерлари, минорали кранлар ва автокранларнинг машинистлари, «Е» категорияли ҳайдовчилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»
4-ИЎСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ
4-ПИРИК ПАНЕЛЛИ ИЎСОЗЛИК ЗАВОДИГА

қолипчилар, электр пайвандчилар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, электромонтёрлар, операторлар, кўприкли кранларнинг кранчилари, арматурачилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИГА

почтальонлар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА

техника бўлими бошлиғи, инженерлар, техник, катта инженерлар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

бош бухгалтер, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи, инженер-конструкторлар, инженер-технологлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
9-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ ҚОШИДАГИ
ФИЛИАЛИ
1984-85 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЮҚОРИ, ЧУҚУР ВА ОФСЕТ БОСМА ПЕЧАТНИКЛАРИ; МАШИНАДА ВА ҚЎЛДА ҲАРФ ТЕРУВЧИ (верстальщчик).
Ўқиш муддати — 1 йил.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ИИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
Филиалга қабул қилинганларга ойига 70 сўм миқдорида стипендия тўланади, Совет Армияси сарфларидан запасга бўшатилганларга эса — 1-разрядли ишчи тариф ставкаси бўйича ҳақ тўланади.
Бошқа шаҳарлардан келганларга шинам ётоқхонадан жой берилади (ётоқхоналарда спорт клуби, турли хил секция ва тўгараклар бор).
Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: паспорт, ҳарбий билет (қайд этилганлик гувоҳномаси), ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан; ўқиш ёки иш жойидан характеристика, 4 дона фотосурат (3х4 см.) ва 2 дона фотосурат (4,5х6 см.).
ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (шанба ва якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

«СУВДА ЦИРК»

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ҚИЗИҚАРЛИ ПРОГРАММА КЎРСАТИЛАДИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 11, 15 ва 18.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАЛАРИ ИШЛАМОҚДА.

44-35-91 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

Кассалар соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

ҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ШАҲАР МАДАНИЯТ УЙИНИНГ

ХАЛҚ ТЕАТРИ

ЎЗ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА

ДРАМА БЎЙИЧА ҲАВАСКОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ХОҲЛОВЧИ ҚИЗ ВА ЙИГИТЛАР ТЕАТРГА ЁЗИЛИШЛАРИ МУМКИН.

Бизнинг адрес: Ҳамза кўчаси, 10-уй (1, 4, 21-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

ХАЛҚ ТЕАТРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

МАЙ БАЙРАМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНГ!

Бу улуғ айём яқинлашиб келмоқда. Ҳар биримизни кўпгина юмушлар кутиб турибди: биринчидан совғалар сотиб олишимиз, турли лаззатли нозу-неъматлар тайёрлашимиз, ранг-баранг таомларни пиширишимиз мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

БАЙРАМ ОЛДИ ЮМУШЛАРИ БИЛАН СИЗНИНГ МАШАҚҚАТИНГИЗНИ ОСОН ҚИЛИБ БЕРАДИ.

Озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари тайёрлаган 100 минг совғадан истаганингизни танлаб олишингиз мумкин.

«ХИЗМАТ БЕМИННАТ» ФИРМАСИ дастлабки керакли масаллиқларни етказиб бериш юзасидан хизматни ўз зиммасига олган. Бунинг учун буюртмалар столларига мурожаат этиш лозим.

Шаҳримизнинг барча районларида 30 апрелгача ишлайдиган байрам олди ярмаркаларидан сиз сабзавотлар, мевалар, цитрус ўсимликлари мевалари, картошка сотиб олишингиз мумкин.

Байрам арафасидаги елиб-югуришда сиз у ёки бу нарсани харид этишни унутишингиз мумкин.

Бунинг учун ташвишланманг! 29 ва 30 апрель кунлари озиқ-овқат магазинлари ўз эшикларини соат 23.00 га қадар очиб қўяди, саноат моллари магазинлари эса одатдагидан 2 соат кўпроқ ишлайди.

Биз одатда байрам намойишига болалар билан боришга ўрганиб қолганмиз. Бундай пайтда кичкинтойларни байроқчалар, ёркин тусли ҳаво шарлари билан қувонтириш, шу билан, бирга лаззатли музқаймоқдан баҳраманд этиш, лимонад ёки пепсикола ичимликлари билан хурсанд этиш мумкин.

БАЙРАМ КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 7 ДА ШАҲРИМИЗНИНГ КЎЧАЛАРИ ВА МАЙДОНЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ, ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР, БАЙРОҚЧАЛАР, ШАРЛАР СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

ЁҚИМЛИ ЮМУШЛАР ПАЛЛАСИ



АЖОЙИБ БАЙРАМ — МАЙ АЙЁМИ БОШЛАНИШИГА ЖУДА ҲАМ ЯҚИН ҚОЛДИ. ОЛДИНДА ДЎСТЛАР БИЛАН ШОДОН УЧРАШУВЛАР, БАЙРАМ ДАСТУРХОНЛАРИ ВА АЛБАТТА ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАРГА СОВҒАЛАР УЛАШИШДЕК ҲАЙРЛИ ЮМУШ ТУРИБДИ.

СИЗ СОВҒАЛАРНИ ТАНЛАБ БЎЛДИНГИЗМИ?

Байрамда тақдим этиладиган совға буюмлари ёғочдан ишланган нафис ўймакорлик совғаси ёки кандакорлик усули билан тайёрланган нақшин панно, модали сумка, «дипломат» портфели, муаттар нафис исли атирлар бўлиши мумкиндир? Электр устара ёки чиройли ички кийимлар ҳам совға ўрнини босади.

АГАРДА ШУНДАЙ НИЯТИНГИЗ БЎЛСА

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

СИЗ БУ МАГАЗИНЛАРДА САВДОГА ҚЎЙИЛГАН МОЛЛАРНИНГ ЖУДА КАТТА ТУРКУМИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

ДЕРАЗАГА ҚАНДАЙ ТЎР ПАРДА ЯРАШАДИ?

Агарда сиз нақшин гул солинган, янада зичроқ тўқилган пардаларни манзур кўрсангиз, ундай ҳолда ип газламали пардаларни сотиб олингиз.


Капрон газламасидан тайёрланган тўр пардалар енгил, нуқрадек оппоқ бўлади. Уни крахмаллаб туришга ҳожат йўқ, ювилганда киришиб кетмайди.

Сизга қайси бир тури манзур бўлса, худди ўшанисини сотиб олингиз. Ҳар ҳолда сизнинг квартирангиз янада кўркам ва файзли бўлади.

Тўр парда қандай осилади?

Яқин-яқинларда фақат дераза ларни тўр пардалар билан беркитишар эди. Ҳозирда бундай тўр пардаларни девор бутун эни бўйлаб ҳам қоплашмоқда. Агарда бу пардаларнинг этагидан кенг ҳошияли жияк тиксангиз, парда янада чиройли булади.

Ошхона деразасида тўр парда дераза токчасигача тушиб турса яхши кўринади.



АГАРДА СИЗГА ТЎР ПАРДАЛАР КЕРАК БЎЛСА

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»нинг МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Бу магазинларда оқ рангли, ранг-баранг гул солинган, эни 1,5—3 метрли тўр пардалар сотувга кенг қўйилган.

Баҳоси—1 метри—60 тийиндан 12 сўмгача.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 53-51-28).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

жума

27 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.45 —18.15 Волейбол бўйича халқаро учрашув. Эркаклар. СССР— Бразилия терма командалари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 Л. Деметер лўли халқ қўшиқлари ва романсларини куйлайди.
20.20 «Бу ерда ўзимиз яшаймиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб қўшиқ куйлаймиз».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Г. Венявский. Ре мажор полонези. Скрипкачи К. Кулька ижро этади. (ПХР).
19.00 «Сиз яратган боғ».
19.30 —20.30 А. Каверзнев. «Афғон кундалиги». Телефильм.
20.50 О. Лундстрем раҳбарлигидаги эстрада оркестрининг концерти.
21.20 «Ҳаммаси Ойдан бошланади». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қўғирчоқдай» Телевизион бадиий фильм премьераси (Польша). 4-серия.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.50 «Иқтисодий тажриба —амалда». «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмаси (рус.).
19.20 «Ҳаёт ва жасорат» Ҳужжатли фильм премьераси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Арманистон шифохоналари». Телефильм.
20.00 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Москва вернисажи». Ўзбек санъати кўргазмаси. 1-кўрсатув. Живопись (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли ижросида жаҳон халқларининг рақслари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Афғонистонда апрель революциясининг 6 йиллигига. «Ватанга сидқидилдан хизмат қилиб». Бадиий фильм.
00.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқув программаси.
18.45 «Жаҳон адабиёти классиклари», П. Мериме, «Муқаддас инъомлар араваси».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Янги урф-одатлар—ҳаётга!»
20.45 «Классик куй саҳифалари».
21.30 МТ II.

шанба

28 АПРЕЛ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Кувноқ стартлар».
10.25 Халқаро конкурс лауреати А. Фоменко чалади (фортепьяно).
10.50 «Спортлото»нинг 17-тиражи.
11.00 «Йигирма тўққизинчи йил баҳори». Телевизион бадиий фильм.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари: «Яшариш», «Мадад».
15.55 «Моҳир қўллар».
16.25 «Поэзия». С. Смирнов.
17.20 «Шахмат мактаби».
17.50 «Молчанова кўчасилик Молчанова». «Улкан тақдир эгалари» туркумидан телефильм.
18.20 «Нур ва соялар». Телевизион кўрсатув.
19.00 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Белгород витамин комбинати Маданият саройи рус халқ хорининг концерти.
20.20 «Бу ерда ўзимиз яшаймиз». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 «Кинопанорама».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Мария Ермолова». Илмий-оммабоп фильм.
10.05 «Рус тили».
12.00 —12.45 «Фан ва турмуш».
15.00 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин «Совет ҳокимияти нима?».
15.30 «И. Гайдн».
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Польша эстрадаси артистларининг концерти.
19.20 —20.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) —«Торпедо». 2- ва 3-даврлар.
20.45 «Дўстларимиз чеҳраси»..
21.30 «Время».
22.00 «Қўғирчоқдай» Телевизион бадиий фильм премьераси (Польша). 5-серия.
23.35 Футбол бўйича СССР кубоги 1/4 финал. «Факел» (Воронеж) —«Спартак».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Саломат бўлинг». Физкультурачиларга маслаҳатлар.
10.55 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжатли кино экрани».
11.40 «Оналар мактаби».
12.10 «Темур ва унинг даври». Телевизион фильм. 1-серия (рус.).
13.15 Янгиликлар.
16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экспрессида». Осиё республикаларининг ёшлар телевидениеларининг биргаликдаги концерти. Фрунзедан кўрсатилади.
18.00 Болалар учун. «Лиса» (рус.).
18.30 «Инсон ва табиат».
19.00 «Келди, кўрди ва ёзди...» Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Болалар учун фильм. «Одамча тарихи».
20.05 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Москва вернисажи». Ўзбек кўргазмаси. 2-кўрсатув. Ёшлар қалтарошлик, графика санъати (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Халқларининг дўстлиги сатувни ЎзССРда кўрсатган артист О. Ғулом олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Инсон ва замон». Ҳуқуқий ҳужжатлар программаси.
23.10 Янгиликлар.

● 18.00—21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

27 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—10197. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10